



**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА**

**Тайлякского района
Самарканской области
Республики Узбекистан**

2020 у. г. «18» март

№ 132-к

Toyoq sh. – г. Тайляк

Туман ҳокимлиги захира ерлари хисобидан
Давлатобод махалла фуқаролар йигинида яшовчи
фуқаро Дўсмаматов Азамат бошлиқ фермер хўжалик
ташкил килиш ҳамда ер майдони ажратиш ҳакида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли "Мева-
сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ишоҳ килиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар
тўғрисида"ги карори ижросини таъминлаш ва Вазирлар Махкамасининг 2003 йил
30-октябрдаги 476-сонли карори билан тасдиқланган низом. Адлия вазирлигидан 2005 йил
19 ноябрда 1523-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган "Фермер хўжалигини юритиш учун
ер участкаларини беришда ташлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низом, туман
ҳокимлиги захирасига кайтариб олинган ер майдонлари бўйича фермер хўжаликлари ташкил
килиш учун ташлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил 10 марта 2-сонли йигилиш
баённомасига мувофиқ "Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси
Конунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги захирасига олинган ер майдонларида ташлов асосида фермер
хўжаликлари ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилган ташлов карорига асосан
ташловда ғолиб леб эълон қилинган Давлатобод махалла фуқаролар йигинида яшовчи фуқаро
Дўсмаматов Азаматга гаълачилик, сабзавотчилик, пиллачилик йўналишида янгидан ташкил
этилаётган фермер хўжалигига Давлатобод массиви ердан фойдаланиш харитасини
633,634,636,637,638,639,640,641,642,643-контурларидан жами 23.7 гектар, шундан 20.7 гектар
сўгориб ҳайдаладиган, 1.2 гектар тутзор, 0.9 гектар арик ва зовур, 0.9 гектар йўллардан иборат
ер майдони 37 (үттиз етти) йил муддатга ижарага берилсин.

2. Белгилаб қўйилсениким, келажакда кипилок инфратузилмасини ривожлантирини
мақсадида давлат эктиёжи учун манзилни дастурларни ижросини таъминлаш белгиланганда
узок муддатли ижара шартномасига тегишли ўзгартириш киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

3. Туман Давлат хизматлар маркази (З. Нуриддинов)га фермер хўжалик Низомини
конунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва бу ҳакида тегишли ташкилотларга маълумот
бериш топширилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат каластр бўлими бошлиги (Ж.Хайитов)га Давлатобод
махалла фуқаролар йигинида яшовчи фуқаро Дўсмаматов Азаматга бошлиқ фермер хўжалигига
ер майдонини ажратиб берин, фермер хўжалигига тегишли ҳужжатлар раесийлаштириш ва
уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан тўғри мақсадда фойдаланишини назорат килиб
бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 53-моддасида кўрсатилган
талабларни бажарилишини таъминлаши вазифаси юклатилсин.

5. Туман Давлат солик инспекцияси бошлиги (Ш. Шарипов)га фуқаро Дўсмаматов
Азаматга бошлиқ фермер хўжалигига бюджет билан бўлган хисоб китобларни белгилаб бериш
ва конунда белгиланган тартибда солик ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

6. Ушбу карорни ижросини назорат килишини ўз зиммамда колдираман.

7. Ушбу карорни тасдиғи Самарқанд вилоят ҳокимидан сўралсин.

Туман ҳокими

Б.Бабоназаров

